

## **ЎТМИШГА НАЗАР**

**МАХСУС СОН**

---

## **ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ**

**СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК**

---

## **LOOK TO THE PAST**

**SPECIAL ISSUE**



**Бош муҳаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Муртазаева Раҳбар Хамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

**"Ўтмишга назар" илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши**  
**редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"**  
**Editorial board of the scientific journal Looking into the past**

**Кебадзе Мадонна**

*Доктор исторических наук, Телавский  
государственный университет, Грузия*

**Бурдиашвили Майя**

*Доктор исторических наук, Телавский  
государственный университет, Грузия*

**Кожакесва Ляззат Темировна**

*тарих фанлари доктори, доцент,  
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,  
Қозоғистон Республикаси*

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,  
Ўзбекистон Миллий университети*

**Бобожонова Дилором Бобожонова**

*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон  
жаҳон тиллари университети*

**Зияева Доно Хамидовна**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти*

**Аширов Адҳам Азимбаевич**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти*

**Агзамова Гулчехра Азизовна**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти*

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**

*тарих фанлари доктори, Тошкент  
кимё - технология институти*

**Бабаджанова Нодира Абдуллаевна**

*тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон  
давлат жаҳон тиллари университети доцент*

**Эргашева Юлдуз Алимовна**

*Тарих фанлари доктори, профессор  
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт институти*

**Теймураз Ахалмосулишвили**

*профессор, Телавский государственный университет,  
Грузия*

**Халикова Раҳбар Эргашевна**

*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент  
давлат техника университети*

**Ишанходжаева Замира Райимовна**

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон  
Миллий Университети*

**Кобзева Ольга Петровна**

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Одилов Аброр Анварович**

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**

*тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Сайнова Камола Давляталиевна**

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Джоробекова Айнур Эшимбасковна**

*тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи ишлар  
вазирлиги қошидаги Дипломатия академияси,  
Қозоғистон Республикаси*

**Толипов Файзулла Саидович**

*Тошкент давлат техника университети доцент,  
тарих фанлари номзоди*

**Page Maker\Верстка\Саҳифаловчи:** Хуршид Мирзахмедов

**Контакт редакций научных журналов. [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)**

ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)**

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Phone: (+998-94) 404-0000

## МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

<b>23. Berdiyev A.A.</b> BUXORO AMIRLIGINING XVIII- XIX ASRLARDA TASHQI SAVDOSI VA DIPLOMATIK ALOQALARI HAQIDA AYRIM MA'LUMOTLAR.....	198
<b>24. Ботиров Э.</b> МУҒУЛЛАРДАН ТЕМУРИЙЛАРГАЧА: БОЖХОНА ВА БОЖ СОЛИҚЛАРИ ТАРИХИДАН.....	208
<b>25. Валихонова Г. К.</b> РУС САЙЁҲЛАРИ ВА ҲАРБИЙЛАРИНИНГ ШАРҚИЙ ТУРКИСТОНДАГИ ВАЗИЯТГА МУНОСАБАТЛАРИ.....	214
<b>26. Ганиева Ч.Х.</b> МУЗЕЙЛАР ФАОЛИЯТИДА МАДАНИЙ-ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	220
<b>27. Давлатова Ш.</b> АМИР ТЕМУР ДАВРИ ТАРИХИ ҲАҚИДАГИ МАНБА.....	227
<b>28. Ёдгоров З.Ш.</b> МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИ.....	233
<b>29. Жахонов Т.</b> ШИМОЛИЙ БАҚТРИЯ КУШОНЛАР ШАҲАРСОЗЛИГИНИ ЎРГАНИЛИШИНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ (XX аср 70-йилларига қадар).....	239
<b>30. Жўраев А.</b> ЁЗМА МАНБАЛАРДА ЎЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИГИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ТАРИХИ.....	244
<b>31. Zupunova G.</b> ONALIK MAROSIMI: TOSHKENT TATARLARINING QARASHLARI VA E'TIQODLARI.....	249
<b>32. Инатов М.Н.</b> XX АСР 20-ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОНДА АҲОЛИШУНОСЛИК МАСАЛАЛАРИ.....	261
<b>33. Кариева Н.А.</b> РОССИЯ ИМПЕРАТОРЛИГИ ЖАМИЯТИ АЪЗОСИ Н.А.СЕВЕРЦОВНИНГ ТУРКИСТОН ҲУДУДИДА ОЛИБ БОРГАН ФАОЛИЯТИ МАСАЛАСИГА ДОИР.....	269

## МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT


<b>34.Канимкулов О.Ш.</b> ЎЗБЕКИСТОНДА ТАРИХ ҲАМДА АРХЕОЛОГИЯ ФАНИНИНГ ТАРАҚҚИЁТИДА ЯҲЁ ФУЛОМОВ ХИЗМАТЛАРИ.....	278
<b>35.Камолов Ж.М.</b> ЭФТАЛИТЛАР ДАВРИ ШАҲАРСОЗЛИГИ.....	286
<b>36.Курязова Д.</b> ЎЗБЕКИСТОНДАГИ АРХЕОЛОГИК ОБЪЕКТЛАР ВА УЛАРНИ МУЗЕЙЛАШТИРИШ ЙЎЛИ БИЛАН САҚЛАБ ҚОЛИШ МАСАЛАЛАРИ....	292
<b>37.Қурбонов Ф.Н., Шоев И.Х.</b> БУХОРО ДАВЛАТ МУЗЕЙ - КЎРИҚХОНАСИ ЖАМЛАНМАСИДАГИ ИСЛОМДАН ОЛДИНГИ ДАВРГА ОИД ТАНГАЛАР ВА ТАНГА ХАЗИНАЛАРИ (НУМИЗМАТИК ТАҲЛИЛ).....	299
<b>38.Исматова Н.К.</b> ЯНГИЛАНГАН ЎЗБЕКИСТОНДА УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМДАГИ ИСЛОҲОТЛАР (1989-2020 йиллар).....	307
<b>39.Исматуллаев Ф.О.</b> ЎЗБЕКИСТОН ВА ЛАТВИЯ ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	319
<b>40.Кадирова М.Т.</b> МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИНИНГ УСМОНИЙЛАР ИМПЕРИЯСИ ШАКЛЛАНИШИГА ТАЪСИРИ.....	329
<b>41.Каромов Ф.Ҳ.</b> ТУРКИСТОНДА ОНАЛИК ВА БОЛАЛИКНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ.....	334
<b>42.Мажидов Ш.Ф.</b> МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ЭТНОСИЁСИЙ ЖИҲАТЛАРИ: ЕИ ТАЖРИБАСИ (2000-ЙИЛЛАР БОШИ).....	340
<b>43.Мамадаминова Б.</b> ХОРАЗМ ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ ИЖТИМОИЙ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР.....	345
<b>44.Mattiyev O'.B.</b> TURKISTONDAGI AFG'ON MUHOJIRLARI FAOLIYATINING GENERAL GUBERNATORLIK DAVRI HUJJATLARIDA YORITILISHI.....	353

# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Ёдгоров Зоиржон Шакарбоевич,  
Ўзбекистон Миллий Университети  
мустақил изланувчиси  
zoirjon-98@umail.uz

## МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИ

*For citation: Yodgorov Zoirjon Shakarboyevich. YEARS OF INDEPENDENCE THE HISTORY OF THE DEVELOPMENT OF PHYSICAL EDUCATION AND SPORTS IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN. 2020, SI, pp.233-238*

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-28>

### АННОТАЦИЯ

Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йиллари жисмоний тарбия ва спортсоҳасида улкан ишлар амалга оширилган. Мақолада мамлакатда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, жисмоний тарбия ва спортни янада оммалаштириш масаласига асосий эътибор қаратилган. Шунингдек, жисмоний тарбия ва спортни ҳар тамонлама ривожлантириш, халқаро мусобақаларда юксак натижаларга эришган спортчиларни давлатимиз томонидан рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга масалаларига алоҳида аҳамият берилган.

**Калит сўзлар:** жисмоний тарбия ва спорт, болалар спорти, хотин-қизлар спорти, "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", Универсиада", Олимпиада, оммавий спорт ҳаракати, спорт иншоотлари.

Ёдгоров Зоиржон Шакарбоевич,  
Самостоятельный соискатель  
Национальный Университет Узбекистана  
zoirjon-98@umail.uz

## ИСТОРИЯ РАЗВИТИЯ ФИЗИЧЕСКОГО ВОСПИТАНИЯ И СПОРТА В ГОДЫ НЕЗАВИСИМОСТИ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

**АННОТАЦИЯ**

В годы независимости в Республике Узбекистан проведены грандиозные работы в сферах физического воспитания и спорта. В статье уделено внимание на вопросы формирования здорового образа жизни среди населения страны, развитию физического воспитания и спорта, о поощрении выигравших на международных соревнованиях спортсменов со стороны государства.

**Ключевые слова:** Физическое воспитание и спорт, детский спорт, женский спорт, "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", Универсиада", Олимпиада, массовое спортивное движение, спортивные сооружения.

**Yodgorov Zoirjon Shakarboyevich,**  
Independent researcher  
National University of Uzbekistan  
zoirjon-98@umail.uz

## **YEARS OF INDEPENDENCE THE HISTORY OF THE DEVELOPMENT OF PHYSICAL EDUCATION AND SPORTS IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

**ANNATATION**

The Republic of Uzbekistan has its own independence great work in the field of education and sport Population in the country is a healthy way of life Physical education and sports Teaching Physical Education and Sport .The development of the nation, the high results in competitions encouraging and motivating athletes in our country the issues are of particular importance.

**Key words:**Physical Education and sport, Bollywood sport, women's sports, The Olimpiad, "Umidnihollari", "Barkamolavlod", "Universiade", mass sports movement, sports facilities.

**Д**олзарблиги. Мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритганидан сўнг ўзига хос қийинчиликлар, турли тўсиқларга қарамасдан жамиятнинг барча соҳаларида барқарор ривожланишга эришмоқда. Бунда албатта, ҳукуратимиз томонидан истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб олиб борилган оқилона доно сиёсати муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган дастлабки йиллардан бошлаб жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида эришилган ютуқларимизда давлатимиз ва ҳукурат томонидан соҳага доир қабул қилинган қонун ва қарорлар, яратилган шарт-шароитлар асос бўлиб хизмат қилмоқда[1]. Хусусан, биргина жисмоний тарбия ва спорт соҳасида ёшларимиз эришаётган ютуқлар фикримиз яққол исботидир. Ўзбек спортини ривожлантириш орқали, унинг негизида соғлом, бақувват, билимли ёшларни тарбиялаш ҳамда жаҳон майдонида Ўзбекистон Республикаси номини кенг ёйишга катта эътибор қаратилди. Бу хусусида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислон Абдуғаниевич Каримов, "Модомики, биз ҳам миллат ва халқ сифатида дунё майдонида юксак парвоз қилмоқчи бўлсак, аввалом бор, спорт орқали парвоз қилишимиз мумкин"[2] деб таъкидлаган эди. Дарҳақиқат, ҳеч қайси соҳа давлатни спортчалик дунёга тез танита олмайди. Бунга бугунги кунда Ўзбекистон ёшларининг

жисмоний тарбия ва спорт соҳасида эришаётган ютуқларини мисол қилиш мумкин. Ўзбекистон Республикасида мустақилликнинг тарихий қисқа даврида, мамлакатимизда барча соҳаларда улкан ислохотлар амалга оширилди. Мустақиллик даврида нафақат сиёсий ва иқтисодий, балки ижтимоий соҳада ҳам катта ўзгаришлар рўй берди. Жумладан, жисмоний тарбия ва спорт янги поғонага олиб чиқилди. Айниқса, юқори натижалар спортини ривожлантириш, халқаро майдонда кучли рақобат қила оладиган юқори малакали спортчиларни тарбиялаш, турли спорт турларида муносиб захира тайёрлаш ва илмий-амалий салоҳиятга эга етук мутахассис кадрларни етиштириш мамлакатимиз сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Ўтган давр ичида спортчиларимиз эришган ютуқларни таҳлил қилиб, Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортнинг ривожланиш истиқболлини белгилаб олиш имконияти туғилди.

## 2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мустақиллик йиллари Ўзбекистонда ҳам жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги муаммоларнинг ечими, шунингдек ёшларнинг саломатлигини мустаҳкамлашда жисмоний тарбия ва спортнинг ўрни ва роли борасида илмий тадқиқотлар олиб борилди. Зисман Н.В., Исмоилов Р., Шоломицкий Ю., Штерн В.А., Усмонхўжаев Т.С кабилар ўзларининг докторлик диссертацияларида асослаб берди. Инсон фаолиятида жисмоний тарбия ва спортнинг амалий натижаси сифатида, кишининг жисмоний тайёргарлиги ва ҳаракат билим ва кўникмаларининг баркамоллик даражаси, юксак ҳаётий кучга эгаллиги, спорт соҳасида эришган ютуқлари, ақлий ривожланганлиги ҳисобланади. Миллат генофондининг шаклланишида, соғлом турмуш тарзини тўғри ташкил этишда ва ёш авлодни соғлом тарбия қилишда жисмоний тарбия ва спорт маънавий ва мафкуравий восита сифатида қўлланилади. Биз бугун демократик аждодлар мероси, миллий қадриятлар асосида, ўзимизнинг турмуш тарзимиз талабларидан келиб чиққан ҳолда барпо этишга ҳаракат қилмоқдамиз. Ана шу ҳаракатлар негизида соғлом инсон турибди. Жисмоний тарбия ва спорт орқали соғлом инсонни шакллантириш бутун бир жамиятнинг вазифаси бўлмоғи керак. Ҳар бир инсон, оила, ота-она жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишни одат даражасига чиқариши билан бирга, қадрият сифатида эъзозлаши жамиятнинг узлуксиз равишда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишига олиб келади.

## 3. Тадқиқот натижалари:

Ўзбекистонда мустақиллик йиллари жисмоний тарбия ва спорт соҳасининг ривожланиши мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларнинг самарали натижасидир, деб тўла ишонч билан айтишимиз мумкин. Юртимизда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида биринчи навбатда мустақилликнинг дастлабки кунларидан қонунчиликда муносиб унинг ҳуқуқий асоси яратилди. Бунинг яққол намунаси - 1992 йил 14 январда "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси қонуни аҳоли барча қатламларининг соғлигини мустаҳкамлаш, уларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишларига шарт-шароитлар яратиб беришни кафолатлайди. Ушбу қонунга 2000 йил 26 май 76-II-сон ҳамда 2015 йил 4 сентябрдаги ЎРҚ-394-сон қонун қабул қилиниб, ўзгартириш ва тегишли қўшимчалар киритилди ва янги таҳрирда биринчи ўқишда қабул қилинди [3]. Бу қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги давлат сиёсатининг қуйидаги асосий йўналишларини белгилаб берилди:

- жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-

қувватлаш;

-ҳар кимнинг жисмоний тарбия ва спорт билан эркин шуғулланишга бўлган ҳуқуқини таъминлаш;

- жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги давлат ҳамда жамоат бошқарувини уйғунлаштириш;

-фуқароларнинг жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги ҳуқуқларининг давлат кафолатларини белгилаш;

-жисмоний тарбия ва спорт соҳасида камситишга ҳамда зўравонликка йўл қўймаслик;

-жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчи шахслар, шунингдек, жисмоний тарбия ва спорт тадбирлари иштирокчи-лари ҳамда томошабинларнинг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлигини таъминлаш;

-спортнинг барча турлари ва таркибий қисмларини ривожлантиришга қўмаклашиш;

-ногиронлар ва жисмоний имкониятлари чекланган бошқа шахслар, шунингдек, юқори даражада ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли гуруҳлари ўртасида жисмоний тарбия ва спортни ривож-лантиришга қўмаклашиш;

- Ўзбекистоннинг миллий спорт турлари ва халқ ўйинларини ривожлантириш ҳамда оммалаштириш учун шарт-шароитлар яратиш;

-фуқароларни жисмоний тарбиялашнинг узлуксизлиги ва давомийлигини таъминлаш;

-халқаро ҳамкорликни амалга ошириш шулар жумласидандир.

Бу қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши Ўзбекистон Республикасида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашнинг муҳим ва самарали омили бўлган жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришгаалоҳида эътибор қаратилганлиги билан эътиборга моликдир.Ўзбекистонда мустақиллик йилларижисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантиришга қаратилган амалий ишлар натижасида жисмоний тарбия ва спортни бошқаришнинг ташкилий асослари такомиллаштирилди, жисмоний тарбия-соғломлаштириш, оммавий-спорт ишлари ва миллий спорт турлари ривожлантирилди, жисмоний тарбия ва спорт соҳасини маблағ билан таъминлаш тизими такомил-лаштирилди, нодавлат сектор ривожлантирилди, жисмоний тарбия ва спортнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланди.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ташаббуси билан 2000 йилдан буён юртимизда ўтказиб келинаётган ҳеч қайси дунё давлатлари тажрибасида кузатилмаган миллий уч босқичли яъни умумтаълим мактаб ўқувчилари ўртасида "Умид ниҳоллари", ўрта-махсус касб-ҳунар коллежлари ва академик лицей ўқувчилари ўртасида "Баркамол авлод", олий ўқув юртлири талабалари ўртасида ўтказилаётган "Универсиада" мусобақаларини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.Бу миллий уч босқичли спорт мусобақалари юртимиз ёшларининг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам ва узвий шуғулланиши, ҳамда улар ўртасидан истеъдодли моҳир спортчиларини Республика терма жамоалари аъзолигига аниқлаш имконини бермоқда.Ўзбекистонда ташкил қилинган мана шундай миллий уч босқичли мусобақаларда қатнашиб, совринли ўринларни қўлга киритган ёшларимиз кейинги босқичда жаҳон миқёсидаги мусобақаларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келмоқдалар.Масалан, 2016 йил Бразилиянинг Рио-до-Жанеро шаҳрида бўлиб ўтган "Рио - 2016" ёзги Олимпиада ўйинларида Ўзбекистон Республикаси ёшлари муносиб иштирок этишгани фикримиз яққол исботидир.Бу ҳақда

гапирганда, барчамизга чексиз гурур ва ифтихор бағишлайдиган бир мисолни айтиб ўтмоқчиман. Жорий йилда Бразилияда ўтказилган Олимпия ва Паралимпия ўйинларида спортчиларимиз 44 та медаль, жумладан, 12 та олтин медални қўлга киритгани мамлакатимиз ҳаётида тарихий воқеа бўлди[4].

#### 4. Хулосалар:

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири этиб белгиланган. Бу ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича 5 та муҳим ташаббуснинг иккинчи ташаббусида ҳам ўз аксини топган[5].

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Мирзиёев Шавкат Миромонович таъкидлаганидек, - "Кейинги пайтда умумхалқ ҳаракатига айланиб бораётган беш ижобий ташаббуснинг мазмуни ва аҳамиятини ёшларимиз чуқур тушуниб, уни амалга оширишда фаол иштирок этаётганини биз албатта юксак баҳолаймиз. Ёш авлоднинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун яратилган шароитлар ҳам бугун ўзининг амалий натижасини бермоқда. Бунинг тасдиғини ёш спортчиларимиз халқаро мусобақаларда муваффақиятли қатнашиб, 520 та олтин, 544 та кумуш, 588 та бронза медалига сазовар бўлганида ҳам кўриш мумкин"[6].

Дарҳақиқат, жисмоний тарбия ва спорт аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, ёшларни жисмоний чиниқтириш соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш орқали жамиятимизда соғлом турмуш тарзини қарор топтиради. Ёшларни жисмоний чиниқтириш турли касалликлар, улар ўртасидаги зарарли одатларнинг олди олади. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортга берилаётган катта эътибор, ёшларни жисмоний тарбия ва спорт соҳасида қобилиятини намоён қилишлари учун зарур шарт-шароитлар, буларнинг барчаси ёшларнинг маънавий етук, жисмонан соғлом бўлиб вояга етишлари, ҳар-хил ёт бузғунчи ғояларга берилмасликлари, қолаверса, дунёда Ўзбек байроғини юқорига кўтарилишига хизмат қилмоқда. Жисмоний тарбия ва спорт юксак маданият, ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришда ҳам жуда муҳим ўрин тутди. Бу соҳада эришилган ғалабалар мамлакатимизни бутун жаҳонга танитади, барча юртдошларимизга чексиз гурур-ифтихор бағишлайди.

#### Иқтибослар/Сноски/References:

[1] Ёдгоров З.Ш. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида жисмоний тарбия ва спорт соҳасида амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор вазифалари. Тошкент: "Ўтмишга назар" журнали. 2019 йил. -Б.32. (Yodgorov Z.Sh. Priorities of state policy in the field of physical culture and sports in Uzbekistan during the years of independence. Tashkent: Journal of Look to the Past. 2019y. №23-P.32).

[2] Каримов И.А. Биз танлаган йўл - демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд. -Тошкент: Ўзбекистон. 2003. -Б.138. (Karimov I.A. The path we have chosen is the path to democratic development and cooperation with the enlightened world. volume-11.-Tashkent: Uzbekistan. 2003.-P.138).

[3] Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 14 январда қабул қилинган "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида" ги 513-ХП-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майда қабул қилинган 76-П-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000

йил, № 5-6, 147-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 309-модда); 2015 йил 4 сентябрдаги ЎРҚ-394-сон янги таҳрирда қабул қилинган.(Law of the Republic of Uzbekistan dated January 14,1992 No 513-XII "On Physical Education and Sport"(Bulletin of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan,2000,№5-6,articles 147;Bulletin of the Chambers of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan,2005,№9,art.309);Amended September 4,2015 No.394).

[4] Мирзиёев Ш.М.Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз.1-жилд.- Т. : "Ўзбекистон".2017 йил.123-124 бет.(Mirziyoyev Sh.M.We will resolutely continue our path of national development and raise it to a new level.volume-1.-Т.:"Uzbekistan".2017y.P.123-124).

[5] Ўзбекистон Республикаси Президенти Мирзиёев Шавкат Миромонович раислигида 2019 йил 19 март куни ёшларга эътиборни кучайтириш, уларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларга ахборот технологиялардан фойдаланиш кўникмаларини сингдириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини ошириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишидаги нутқи // "Халқ сўзи", 2019 йил, 20 март.№ 54 (7284).(On March 19,2019, under the chairmanship of the President of the Republic of Uzbekistan,Mirziyoyev SH, the youth were actively involved in culture, art, physical education and sports, and the use of information technology was promoted,speech at a videoconference meeting on the issues of employment,employment of women//"National word",2019y,march 20.№54(7284)).

[6] Мирзиёев Ш.М.Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.Тошкент.: "Ўзбекистон". 2019 йил.384-385 бетлар.(MirziyoyevSh.M.The motive of the nation is great,life is bright and future is prosperous.volume-3.Tashkent.:"Uzbekistan".2019y.P.384-385).

## ЎТМИШГА НАЗАР

---

## ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

---

## LOOK TO THE PAST

### МАХСУС СОН

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000